

Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqqan boshlagan 2001 yil 18 may juma № 20 (307) sotuvda erkin narxda

Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риод қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард-натияжада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риод этишни умумиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш гоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўйба рўй чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак.

Ислом КАРИМОВ.



ФЕСТИВАЛНИ ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР БОШЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - УЗА, «Маърифат ва маънавият» кенгаши ва Бадий академия ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этган «Шу азиз Ватан» барчамизники» фестивалини Қашқадарё вилояти бошлаб берди. Шу муносабат билан Бадий академиянинг марказий кургазмалар залида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов очди.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК - БУЮК НЕЪМАТ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказида ижтимоий ва этник гуруҳлараро тотувлик ва бағрикенглик мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг таниқли олимлари, миллий маданий марказлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«АФРОСИЁБ»НИНГ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Буюк йилда айланада жойлашган қадим Самарқанднинг кишини оҳанграбодек ўзинга тортувчи манзилгоҳлари кўп. Айниқса, муаззам шаҳарга олиб кирувчи Куҳак кир-лавларида пастга назар солсангиз ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Ям-шил дархатлар сонсидаги мовий дўкнолар, чойхона, оромгоҳлар, нон расталари, автотомобилларга ёниги қуниш шохобчалари... Катта Ўзбек трактининг ёқасида неча ўнла километр масофада сайёҳлар ва умуман ҳар бир йўловчи учун беихоҳ зарур қулайликлар яратилган. Халқаро аҳамиятга эга бу йилдан ҳар кун миңлаб автотранспорт ўзлаётганини инобатга олиб, кўпчиликнинг аҳоли ва равиб бўлиши, йўл инфратузилмаси жаҳон талабларига жавоб бериши зарурлигини англашмиш қилин эмас.

Мухаррир минбари

Олий Мажлис бешинчи сессияси ишига доир МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимиз адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич, изчиллик билан бормоқда. Бу борада Олий Мажлиснинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Бунинг кўча бўлиб ўтган парламентлишнинг навбатдаги сессияси ҳам исботлайди. Сессияда кўриб чиқилган барча масалалар долзарблиги ҳамда мамлакатимиз истиқболини белгилаш, истиқболимизни асраш жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

ЕВРОПА КИНОСИ КУНЛАРИ

Кўпга маданий-маърифий тадбирлар, халқаро семинарлар ўтказиб келинган мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида яна бир ажойиб анжуманининг бўлиши кутулламоқда.

Истиқлол бекатларида

Тўғизлар бериб қўйганмиз. Шундан булган улар ўз қорқонларидан ўзини жон қийинтирмаганини кўришди. Муроҳдон ака, Самарқанднинг жаҳон туризми марказига айлантириш йўли ин-фратузилмасини яқинлаштириш билан бевосита боғлиқ эканлиги сир эмас. Бу йўналишдаги ишлар сизни қизиқтирадими?

«Адолат»га жавоб берадилар

«Хиёнат» («Адолат» газетаси, 2001 йил 27 апрел, № 17) «Хиёнат» сарлаҳали феълетонда аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нафақа тарқатишга масъул бўлган Республика почта ва телекоммуникация агентлиги тизимида йўл қўйилган қўнубузарлик ва суиистеъмолликлар ҳақида ёзилган. Ушбу мақолага Республика почта ва телекоммуникация агентлиги бosh директори Ф. Абдуллаевдан қуйидаги жавоб олинди.

Хақиқат эгилади, букилади ва лекин... синмайди

• Адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зид-дият, қарама-қаршилик пайдо бўлиши муқаррар.

• Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чиданиш мумкин, лекин билиб қўйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидаймайди.

• Қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлаштирмас эканлик, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.

Ислол КАРИМОВ.

... Беш йилдан зиёд давом этган бу можаро Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужалик суди ва Республика Прокуратурасида қайта-қайта кўрилди. Бу ҳақда Республикада ва Андижон вилоятида чиқадиган газеталарда кўп эътибор билан, Ўзбекистон телевидениесида ҳам кўрсатувлар намойиш этилди. Уларда гоҳ бири-бирини тўлдирмаган, гоҳ бири иккинчисини инкор этадиган хилма-хил фикрлар билдирилди, бахус мунозаралар авж олди. Лекин уларнинг кай бири ҳақиқат, кай бири ноҳақиқат эса маъзур масалага то сўнгги нукта қўйилмагунча маълум бўлгани йўқ. Бу табиий ҳол эди. Яқинда можарога ҳуқуқ-тартибот идораларининг қилин қирқ ёришга қодир мутахассислари андижонлик тадбиркор Т. Верховская билан «Кўёш-94» хусусий фирмаси ўртасида 1995 йилда юзага келган можарога нисбатан 2001 йил 20 апрель кунинда адолатли нукта қўйилди.

...Аслида воқеа шундай бошланган эди. Андижон темирйўли ишчи таъминоти бўлими (ОРС)га қарашли музқаймоқ цехи Андижон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасининг 1993 йилнинг 6 августидати олд-сотиб шартномасига қўра Татьяна Верховская сотилган. Верховская сотиб олган мулкнинг бошқарушига киришиб, 1994 йилнинг 1 июль кунинда «Кўёш-94» хусусий фирмаси билан «ўзроқ ҳамкорлик шартномаси» шартнома тўзди. Мазкур шартномага қўра томонларнинг ўзаро розилигисиз музқаймоқ цехига эгалик ҳуқуқини ҳар қандай усул билан бошқа шахсларга ўтказишнинг йўл қўйилмаслиги белгиланган эди. Бу шартномага ишонган «Кўёш-94» катта миқдорда қимматбаҳо жиҳозлар сотиб олиб келиб, мазкур цехга ўрнатди. Бирок, Т. Верховская улар ўртасидаги икки томонлама шартномани бўзиб, ҳамкорликда ишлаб келаётган «Кўёш-94» хусусий фирмасининг розилигини олмай, цехни вилоят давлат мулк бошқармасининг 1995 йилнинг 20 мартдаги 142-рақамли буйруғига асосан хусусийлаштириб олади ва 006227 рақамли давлат орденини қўлга киритади. Бундан хабар топган «Кўёш-94» фирмаси директори Х. Норжубоев Андижон вилоят ҳужалик судининг 1996 йил 2 июлдаги қарорини ўзгаришсиз қолдиради. Яъни, жавобгар Т. Верховскаянинг ариазисини қаноатлантирмайди. Олий ҳужалик судининг бу қарорини республика Прокуратураси ҳам тегириб, тўғри деб топади. Бу ҳақда прокуратуранинг ўша вақтда судларда да фуқаролик ва ҳужалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия катта масъул хизматчиси С. М. Мухторов ўзининг 1997 йилнинг 1 апрель куниндаги хатига шундай ёзади:

«Республика Прокуратураси томонидан Андижон шаҳар Найман кўчасида жойлашган низоли музқаймоқ цехи юзасидан ҳужалик суди қабул қилган қарорнинг қонунийлиги ва асослиги тегириб кўрилди. Аникланишча, «Кўёш-94» хусусий корхонаси жамоаси Андижон вилояти ҳужалик судига даъво ариза билан мурожаат этиб, Андижон вилояти Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш бошқармасининг 1995 йил 20 март куни Т. Верховская номига «Темир-йўлсавдо» хиссадорлик ҳамиятига қарашли музқаймоқ цехини хусусийлаштириб бериш ҳақидаги 227-сонли Давлат орденини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Андижон вилояти ҳужалик судининг 1996 йил 2 июль куниндаги ҳал қилув қарорига қўра «Кўёш-94» хусусий корхонасининг даъвоси қаноатлантирилган. Ўзбекистон Олий ҳужалик судини суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини тегириб кўриш судлар судлов ҳайъатининг 1996 йил 4 сентябрь қарори билан вилоят ҳужалик судининг қабул қилган қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Республика Прокуратурасининг раҳбарияти ўшбу низо юзасидан қабул қилинган суд қарорлари билан қилишди.

Республика Олий ҳужалик судининг бу қарорини ва унинг тўғрилигини республика Прокуратураси тасдиқлаб турса ҳам шу орада Андижон вилоят Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш бошқармасидан гаирқонуний равишда иккинчи марта 007799 рақамли давлат орденини ёздириб олишга муваффақ бўлган Т. Верховская тақдирга таян беради. У отдан тўшса-да, эгардан тўшмаган кишининг ишини қилиб, ҳужалик суди қарорини бажармай, 1996 йилнинг 18 октябрда Андижон шаҳар умумий судига даъво аризаси бериб, ўзининг «Кўёш-94» фирмаси билан тасдиқлаган шартномасини бекор қилишни сўради. Буни қаранглик, республика Олий ҳужалик суди қўриб чиққан мазкур иш шаҳар судининг судьяси Насибов Юлдашев ва (ваколати бўлмаган ҳолда) қўриб чиқиб, Верховскаянинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида 1997 йил 10 февраль кунини қарор чиқарди. Унинг бу гаирқонуний қарорини Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ўзининг 1997 йил 28 март куниндаги қарори билан тасдиқлади.

Бу антиқа ҳолатдан таажубга тушган «Кўёш-94» фирмаси директори Хошимжон Норжубоев Ўзбекистон Республикаси Олий судига даъво аризаси берди. Ҳайрият, — деб эслайди у, — Олий судда ҳақиқат бор экан, — Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суди мажлиси (раислик этувчи К. Саидов, ҳайъат аъзолари А. Шурова ва М. Хошимовлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Бош прокурорининг ёрдамчиси Р. Мухаммаддиновлар иштирокида) «Андижон шаҳар судининг 1997 йил 10 февралдаги мазкур иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ва ўшбу қарорни ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳақидаги Андижон вилоят суди ҳужалик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 28 мартдаги ақрими бекор қилиниб, фуқаролик иш бўйича иш юргизиш тугатилсин» деган қарорини қабул қилди.

Шундан кейин ҳам «Кўёш-94» фирмасини музқаймоқ цехига ҳеч ким киритиб қўймади. Хуноб бўлган тадбиркор — «Кўёш-94» фирмаси директори Андижон шаҳар судига суд ҳал қилув қарорини қайтарма ижроси ҳақида ариза берди. Бирок, судья Н. Юлдашев раислигида 1997 йил 30 октябрь кунинда ўтган суд мажлиси «Кўёш-94» фирмаси раҳбари Х. Норжубоевнинг «Кўёш-94» фирмасининг ҳодимлари билан Андижон шаҳар Найман кўчаси 57 «в» уйдаги музқаймоқ цехига киритиб қўйиш ҳақидаги қарорларининг қайтарма ижроси ҳақидаги аризаси бўйича чиқарган ақрими ўзгаришсиз, жавобгарнинг вақили Х. Норжубоевнинг хусусий шикоятни қаноатлантирилмай қолдирилсин» деб ақрими чиқарди.

Х. Норжубоев мазкур ақрими қўйилмади вилоят ҳужалик судига қатнай бошлади. Бирок, у ердан ҳам ҳарфсаласи пир бўлиб қайтди. Негаки ҳужалик суди уни яна шаҳар умумий судига «футбол» қилди. Икки суднинг ўртасида «попток» каби бир-бирига «тепилаётган» Х. Норжубоевнинг «энди

нима қилсам экан» деб боши қотиб турганида Республика Олий ҳужалик суди бош ижросиси Аббасовни ижроси таъминлаш ва назорат қилиш ундини Андижонга жўнатибди. Лекин бундан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Аксинча, вилоят ҳужалик судининг ижросиси И. Долимов цехни, ҳеч қандай суд қарорисиз ўзбошимчалик билан қўриб қўйди. Шунга қарамай Нор-жубоев цехни келаси йил мавсумига тайёрлаш ниятида уни таъмирлаш ишларини тўхтатмайди.

Орадан бир ойдан зиёдрок вақт ўтган Норжубоевни бекордан Республика Олий ҳужалик судига қақриб қолишиди. Борса «Кўёш-94» фирмасининг Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш Андижон вилоят ҳудудий бошқармасига ва фуқаро Т. Верховскаяга нисбатан давлат мулк қўмитасининг 1995 йил 30 ноябрдаги 007799 рақамли давлат орденини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъвоси бўйича қўзғатилган иш ҳақидадан қўриб чиқилишини айтишди. Норжубоев унун қўрилмаганда томан ташлаган суд ҳужалик судининг кассация босқичи бўйича судлов ҳайъати (раислик этувчи С. М. Таникулов) иштирокида қўриб чиқила бошлади. Мажлисда суд раисига Т. Верховская бир талай сохта, қалбаки ҳужжатларни тасвия этди. Бирок Норжубоев уларнинг сохта эканлиги ҳақида оғзакчи маълумот беришдан нарига ўтмади. Шунинг учун ҳам суд унинг илтимосига биноан мажлиснинг қолган қисмини икки ҳафтадан кейин 1998 йил 23 февраль кунинда давом эттирдикан бўлди. Бирок Верховская келтирган қалбаки ҳужжатларга қарши Норжубоев тасвия этган вақларни суд ҳайъати инобатга олмади:

- 1. Т. Верховскаянинг кассация шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоси қаноатлантирилсин.
- 2. Андижон вилоят ҳужалик суди томонидан ўшбу иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорлари бекор қилинсин.
- 3. Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 1995 йил 30 ноябрда Т. Верховскаяга берилган 007799 рақамли давлат ордери ҳақиқий деб топилинсин.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПАДИ

ёки беш йилдан зиёд давом этаётган мулк можаросини Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қатъият билан одилона яқулагани хусусида

- 4. «Кўёш-94» фирмаси Андижон шаҳар Найман кўча 57 «в» уйда жойлашган музқаймоқ ишлаб чиқариш цехида қўрилинсин.
- 5. Музқаймоқ цехидаги жиҳозлар «Кўёш-94» фирмасининг раҳбари Х. Норжубоев томонидан ўзбошимчалик билан олиб чиқилган унун ҳужалик процессуал кодексининг 77, 100-моддаларига асосан ундан эън кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда жарима, шундан Республика бюджетига 90 фоиз ва ҳужалик судларини ривожлантириш фондида 10 фоиз ундирилсин.
- 6. 1998 йил 28 февралдаги Х. Норжубоевга ўзбошимчилик билан олиб чиққан жиҳозларни қайтариш ва оқибатда келиб чиққан зарар миқдорини Т. Верховскаяга тўлаш мажбуриятини юклатилсин» деб қарор чиқариб юборди.

Шунга эмас, суднинг мазкур мажлиси «Кўёш-94» фирмасининг раҳбари Х. Норжубоевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аникланганлиги сабабли унга нисбатан жиноий иш қўзғатиш унун Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига хусусий ақрими юборилиши лозим» деган хулосага ҳам келди.

Суднинг бундай қарорига келишига Х. Норжубоевнинг 1998 йил 18 февраль кунин Найман кўчасидаги 57 «в» уйдаги музқаймоқ цехини Верховская билан тузилган шартномага мувофиқ келадиган тарзда таъмирлаш унун ундаги жиҳозларни олиб чиқиш мақсидида бино деворлари ва томининг буздирилганлиги ва жиҳозлар тузатишга қарамай бошқа вақтинча қўриб олиб бориб қўйилгани ҳам асосий сабаб бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг 1998 йил 23 февралдаги 7-37-сонли мазкур иш бўйича қабул қилган қарори ва хусусий ақрими асосида Х. Норжубоев устидан жиноий иш қўзғатилиб, у Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 4-қисми «а» банди билан мол-мулкнинг мусодара қилиб, 10 йилга, 173-моддасининг 2-қисми «в» банди билан 2 йилга, 233-моддаси билан мол-мулкнинг мусодара қилиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилишга, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўриб, мол-мулкнинг мусодара қилиб, 12 (йил икки) йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазони қаттиқ тартиб ўрнатилган колонияларда ўташ белгиланди. Шунингдек, Х. Норжубоевдан жабрланувчи Т. Верховскаяга фойдасига 6.832.589 сўм ундирилган ҳам қўзда тутилди.

Судланган Норжубоев Фаргона вилоят судининг 1999 йил 11 ноябрда чиқарган бу ҳукимдан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикоятни ёзди. Шикоятда у суд ишини бир томонлама кўриб, асосиз ҳукм чиқарганини, уни айби йўқлиги, Т. Верховскаяга нисбатан ЖК 228 ва 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан жиноят иш қўзғатиш, унга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилишни сўрайдиганлиги ва наъбатда Т. Верховская ҳам кассация шикоятни ёзиб, унда Х. Норжубоевга нисбатан ҳукмининг зарарини ундириб қилишни ўзгартириб, 16853861 сўмини унга ундириб бериш ҳақида ақрими чиқаришни сўрайдиганлиги.

Олий суд судлов ҳайъати иш юзасидан Олий суд судьяси Э. Йўлдошевнинг маълумасини, адвокат Ж. Ҳақимовнинг кассацияни қуватлаган нутқини эшитиб, республика Бош прокурорининг ёрдамчиси А. Ханитовнинг суднинг Х. Норжубоевга нисбатан чиқарган ҳукмининг бекор қилини, жиноят ишини янгитдан судда қўриш унун юборилиши сўраган фикрини тинглаб, кассация шикоятини вақларни муҳофиза қилиб: «Фаргона вилоят судининг 1999 йил 11 ноябрдаги Норжубоев Хошимжонга нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси орқали қўшимча тергов ўтказиш унун юборилсин. Х. Норжубоевнинг кассация шикоятни қисман қаноатлантирилмай қолдирилсин» деган ақрими чиқарди. Бу ақрими чиқаришига эса Олий суд қўйилганларини асос қилиб олди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22-моддаси талабига қўра суриштирувчи терговчи, прокурор ва суд жиноят ўзи берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниклаш шартлиги, иш бўйича исботланган лозим бўлган барча ҳолатлар синиқовлик билан, ҳар томонлама тўла ва ҳолисона тегириб чиқилиши кераклиги қўриб қўйилган бўлса-да, лекин тергов органи томонидан ўшбу модда талабига риоя қилинмаган ҳолда тергов олиб боририлган.

Ушбу жиноят ишининг қўзғатилишига асосий сабаб — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг 1998 йил 23 февралдаги 7—37 сонли иш бўйича қабул қилган қарори ва хусусий ақрими сабаб бўлган. Айбланувчи Х. Норжубоев 1998 йил 13 март куни қорондаги қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг Раёсатига назорат тартибидан шикоят берган. Олий ҳужалик суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан Х. Норжубоевнинг ариазисига асосан 5—33 ва 37—сонли ишлар назорат тартибидан ўрганилиш унун сўралган (нусхаси 4 жилд, 271 иш вақар)...

Судланган Х. Норжубоев тергов ва суддаги қўрсатмаларини унун 1997 йил 23 декабрда музқаймоқ цехига шикоят қилирилган томонидан қонуний қиритиб қўйилгани ва 1998 йил 17 мартдаги цех унун қонуний эгалигида ва тасарруфида бўлгани, цехда ҳужалик ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориганини, унда Т. Верховскаяга мулкий зарар етказиш мақсиди билан қилинган баён этиб келган. Лекин тергов органи томонидан Х. Норжубоевни бу вақларда атрофлича тегириб қилиб, барвақт айболов хулосасига келган.

Андижон вилоят давлат мулкнинг бошқаруши қўмитаси Т. Верховскаяга 006227 рақамли ордерида қўрсатилган мулкларга 007799 рақамли иккинчи ордени берган, бу билан Т. Верховскаяга битта мулкка иккита ҳақиқий ордери берилган (2

жилд, 109-111-вақар). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш Давлат қўмитасининг хусусийлаштириш ва назорат бош бошқармаси бошлиғи А. Х. Раҳимов Андижон вилоят Давлат мулкнинг бошқаруши ҳудудий бошқармаси бошлиғи М. Дадабоевга хат йўллаб, хатнда Т. Верховскаяга берилган 006227 ва 007799 рақамли давлат ордерида Андижон вилояти давлат мулкнинг бошқаруши бўлими томонидан қонуний равишда берилганлигини қўриб, бу ордерларни бекор қилиш масаласини ҳал этиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик масаласини ҳал этилишини қўриб, агарда бундай қондабу зарарли яна тақорланса М. Дадабоевнинг ўз мансабига лойиқлик масаласи қўрилишига тушунтирилган (ўшбу хат ишда мавжуд).

Қўшимча терговда Т. Верховская мулкка эгалик ҳақидаги ордерларни қандай йўл билан, қайси ҳужжатга асосан олингани тегириб, нотўғри йўл билан олинган бўлса шу ордерларни берган шахсларни жавобгарлик масаласини ҳал қилиш лозим бўлади, чунки бу иш унун муҳим аҳамиятга эгарди.

Х. Норжубоев барча қўрсатмаларида уни 1997 йил 23 декабрда музқаймоқ цехига киритиб қўйилганидан сўнг цех мавсумий ишлаб чиқариш объекти бўлганлиги унун ёзи мавсумида Т. Верховская томонидан ишлатилганидан сўнг цех биносини ва ундаги асосий воситаларни кейинги мавсумга капитал таъмирлаш лозимлиги унун 1997 йил 24 декабрдан бошлаб цехда таъмирлаш ишларини бошлаб боририлганини, бу ҳолатни гувоҳлар — А. Рашидов, Д. Норжубоев, И. Орипов ва бошқалар тасдиқлаганини (4 жилд, 15, 20, 28 иш вақарлари) таъмирлаш режасига қўра цех деворлари қўришилгани, бунинг унун цехни томи ҳам очилиши лозимлигини, бу таъмирлаш ишини амалга ошириш унун цехдаги технологик жиҳозларни бошқа ерга олиб чиқиб туриш лозим бўлганини, шунингдек унун цехдаги жиҳозларни шу цех внида жойлашган лампа заводи базасига олиб чиқиб турганини, жиҳозларни олиб чиқиш унун цехи ашиқларини бузиш ҳам лозим бўлганини, чунки жиҳозлар цех эшигиндан сиймалангани, бу жиҳозлар цехга 1993 йил қўзда ўрнатилган цех бостирма хисобидан бўлганини, жиҳозлар цехга ўрнатилган сўнг девор уришиб, эшик ўрнатилганини, факулдета вазиятлар Андижон бўлими бошлиғи Хуралиев унга таъмирлаш ишларида қандай ҳавфсизлик

қоралари қўриш лозимлиги ҳақида ёзма қўрсатма берганини (2 жилд 57, 4 жилд 24 вақарлар), унинг ҳаракатида ўзганини мулкнинг ўзлаштириш, зарар етказиш йўқлигини, балки 1994 йил 1 июнда Т. Верховская билан ўрталарида тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, цехни таъмирлаб, ёзи мавсумга тайёрлаш мажбуриятини бажариш бўлганини баён этган бўлса-да, тергов даврида Х. Норжубоевнинг бу вақларда атрофлича тегириб қилиб, Келгуси қўшимча тергов ўтказишда унинг ҳаракатида ўзганини мулкнинг ўзлаштириш, талон-тароқ қилиш борми, нимадан иборатлиги аниклаштирилсин лозим эди. Чунки иш материаллиги қўра Х. Норжубоев музқаймоқ цехидан олинган ускуналарни музқаймоқ цехидан 300 метр наридаги лампа заводи омборхонасига олиб боририлгани аникланган.

Москва шаҳридаги «Анис» қўша корхонаси билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар «Анис» қўша корхонаси билан ОРС-НОД-2 корхонаси ўртасида 1993 йил 20 августда тузилган шартнома (2 жилд, 37 вақар) 3 сонли (1 жилд, 52 вақар) юк хати қирим орденининг (1 жилд, 49 вақар) қитанчилиги, «Анис» қўша корхонасининг (1 жилд, 53 вақар) маълумотномаси ва бошқа ҳужжатлар Т. Верховская томонидан қалбаки равишда берилганлиги баён этилган бўлиб, бу ҳужжатларни ҳақиқатдан ҳам «Анис» қўша корхонасидан берилган-берилмаганлигини МДХ давлатларининг Минск қонвенциясига асосан «Анис» қўша корхонасида ҳужжатли тафтиш ўтказиш йўли билан бу корхонанинг қайд этиш дафтариди мазкур ҳужжатлар ақс этган-эتماганлигини, Андижон шаҳридаги ОРС-НОД-2 корхонаси билан ҳақиқатда 1993 йил 20 августда шартнома тузилган-тузилмаганлигини, ҳужжатлар қалбақлаштирилган бўлса, қалбақлаштирилган шахсларни ЖКнинг 228 ва 168-модда 4-қисми билан жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилсин.

Андижон шаҳридаги ОРС-НОД-2 корхонасидан Т. Верховская томонидан 1993 йил 6 августда сотиб олинган ва 9 турдаги ускуналардан (1 жилд, 47 вақар) иборат бўлган музқаймоқ цехида Т. Верховская тақдим этган «Анис» қўша корхонасидан ОРС-НОД-2 корхонаси шартномаси асосида келтирилган 7 турдаги ускуналардан ташқари, цехда ўнлаб ускуналар мавжуд бўлиб, бу ускуналар қачон, қимнинг томонидан ўрнатилганлиги, қимнинг балансида бўлганлигини тегишли тафтиш ўтказиш йўли билан аниклансин.

Андижон шаҳар ОРС-НОД-2 корхонасида ишламаган фуқаролар Н. Глухов, В. Носков ва Х. Ибрагимовларнинг имзо вақарлари ва ўшбу қорхона музқаймоқ цехининг меҳнат жамоасининг 1995 йил 15 февралдаги баённомаси, 1995 йил 20 февраль ҳолатидаги асосий воситаларни бохотлаш дололатномаси ким томонидан нима мақсидида сохталаштирилганлиги аникланиб, ҳужжатларни сохталаштирилган шахсларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилсин (2 жилд, 3, 131—вақарлар).

Жиноят ишининг 1 жилд 205—206, 4 жилд 62 вақарларидаги суд товаршунослик экспертизаларининг 1998 йил 3 июндаги 474 сонли хулосасида 1 млн. 224 минг 266 сўм, 1999 йил 23 апрелдаги 474 сонли қўшимча хулосасида Т. Верховскаянинг «Важт» музқаймоқ ишлаб чиқариш цехидаги яроқсиз асосий воситаларнинг баҳоси 6206130 сўми ташқил этилганлиги қўриб қўйилган. Бу ҳужжатлар давлат солиқ инспекцияси маълумотномаси ва суд-товаршунослик, экспертизаси хулосалари билан қарама-қарши бўлсада тергов органи томонидан бу қарама қаршилиқ бартафат этилмаган. Келгуси қўшимча тергов ўтказишда ҳақиқатни аниклаб, қарама-қаршилиқни бартафат этиш лозим.

Х. Норжубоевга банд сонинган мулкни тасарруф этишда, яъни ЖКнинг 233-моддаси билан ҳам айб эълон қилинган бўлиб, иш ҳужжатларига қўра мулкка банд солиш тўғрисидаги ваколатли орган қарори мавжуд эмас. Х. Норжубоевнинг баёнотида қўра эса 1998 йил 18 февралда цех ҳужалик суди қарорига қўра «Кўёш-94» бошқарушида бўлган мулклар суд ижросиси томонидан ваколат доирасидан чиққан ҳолда қонуний рўйхатга олинганлиги билдирилган.

Қўшимча тергов давомида мулкка банд солиш тўғрисидаги қарори мавжудлиги, қарор билан Х. Норжубоев танишганлиги аникланиб, Х. Норжубоев таништирилган тақдирда уни ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми билан жавобгарлиги, қарори бўлмағу мулк рўйхатга олинган бўлса суд ижросисини мансаб ваколатидан четта қичиш жинояти билан жавобгарлик масаласи ҳал этилсин.

Х. Норжубоевга ўзганини мулкни қасдан нобуд қилган деган хулоса билан ЖК 173-моддасида қўзда тутилган жиноятни содир этган, деб айб эълон қилинган. Келгусида қўшимча терговда мутахассислар жалб қилинган ҳолда, лозим топилса, эксперт ўтказиш йўли билан ускуналарни музқаймоқ цехидан бошқа жойга қўриб туриш билан боғлиқ таъмирлаш ишларини биного шикаст етказмай амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслиги аниклансин.

Ишнинг 2-том 112-вақардаги собик ОРС-НОД-2 корхонасининг бош хисобчиси, гувоҳ Жумабой Зокировнинг қўрсатмасида иш материаллигида «Темирйўлсавдо» хиссадорлик ҳамияти раҳбари Ишонхаджаевнинг маълумотномалари ва қўрсатмаларида «Анис» фирмаси билан собик ОРС-НОД-2 корхоналари ўрталарида ҳеч қандай шартнома тузилмаганлиги, «Анис» фирмасидан ускуналар олиб келинмаганлиги баён этилган. Бундай ҳолда иш материалларидаги бу шартнома қимлар томонидан, қандай йўллар билан тузилганлиги аниклансин.

Юқориди баён этилган тергов қимчиликларини бартафат этишда Х. Норжубоевга оқлов ёки айболов ҳукми чиқариб бўлмаслигини, тергов қимчиликларини судда бартафат этиб бўлмаслигини хисобга олиб, судлов ҳайъати Х. Норжубоевга нисбатан ҳукми бекор қилиб, ишни қўшимча тергов ўтказиш унун юборилиши лозим топади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшимча тергов ўтказиш натижаларига қараб ҳал қилилади.

Жабрланувчи Т. Верховскаянинг кассация шикоятини вақлар қўшим



Харбий ватанпарварлик

ОЛФА «ШУНҚОРЛАР!»

Самарқанддаги Олий ҳарбий автомобил кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари ниҳоясига етди.

вилояти жамоаси иккинчи, Қорақалпоғистон республикаси ва Наманган вилояти ёш спортчилари бир хил очко жамғаришиб, унинг ўринини эгаллашди.

«Туркистон-пресс»

Ойномага ойдун йўл

СЕРҚИРРА ЖУРНАЛ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги муассислигида чоп этилаётган вазирликнинг ҳуқуқий ва ахборот-оммабон журнали — «Хайт ва қонун»нинг янги соли босмадан чиқди.

Журналини кўлга олган ўқувчи, унинг ҳажми анчагина қатталашганини дарҳол сезади. Журналга бу гал февраль ва март ойларининг материаллари жойлаштирилган бўлсада, уни варақлаган киши нашинг мазмуни доираси кенг ва ранг-баранглигидан хурсанд бўлади, бир-бирдан ўқимишли мақолалар қизиқ эстетик завқ улашади.



Оқин боқимен жуда арқилли болади

Халқимиз янги асрга, у мингичи йилликка катта умидлар билан қадам қўйди. Жумладан, ҳуқуқ ва қонунчилик тизимида яқин келажакда эришиш керак бўлган мақсадлар аниқ кўзга ташланди.

Тахририят журналининг мазкур сонида ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқчи мухофазачилар ҳамда турли йўналишдаги таълимчи кадрларнинг таълим ва мулоҳазалари, баҳс-мунозаралари, ҳаётдаги ҳақиқатларнинг тасвирлари кўзга ташланди.

Журналининг дастлабки бетларида берилган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги Абдусамат Полвон-Зода билан журналистлар Рузйилов Қўлдошев, Сирожидин Рауфларнинг «Қонунчилик юқори босқичга кўтарилади» сарлавхали суҳбатидеги вазирликка қилган суҳбатидеги ахборотларни ўқувчи қизиқтириши шубҳасиз.

Шунингдек журналининг Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожиқабар Раҳмоновнинг «Таъбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тамойиллари» юридик фанлари доктори Турсунбой Мирзаевнинг «Деррий ақидлараслик ва теорияси» унда қарши қурашнинг ҳуқуқий асослари», «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори, юридик фанлари доктори Фозил Абдураҳимовнинг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботида янги босқич» ва ҳоким мақолалари ўрин олганки, уларнинг ҳеч бирига зукко ўқувчи лоқайд ҳарай олмайдми... Яқинда журналининг олиб ўқиганига не етсин...

Ўткир САЙДОВ.



Тортишмачок... Т. НОРКУЛОВ олган сурат.

Жиноят ва жазо ФАРЗАНДКУШ

Оққўрғонлик Ҳаким Маматқулов 45 ёшга тулди. У ўтган умрининг тўрт йилда туман судининг қарорига биноан озодликдан маҳрум этилган ва бу жазони ўтаб чиққан эди. Лекин мажор жазо уни яхши томонга ўзгартирмади. Акс ҳолда умид билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошини фарзанди билан ташлаб қетиб, бошқа аёлга уйланмасди. Балки унинг бу қабиҳ қилишини ҳам «кўнгли иши» деб оқлаш мумкин.

Ҳақиқатини сиртига чиқармай, астагина чиқиб кетди. Кейин ўзи яшаб турган уйдан қабиҳ ниятини амалга ошириш учун пичоқни олди-да ортига қайтди. Қараса онаси билан ўғли ҳамон гаплашиб ўтиришибди. Бозори ота жанжални яна келган жойидан давом эттирди.

Бунга жавобан ўғли ҳам бир икки оғиз гап қайтарганида отага шу баҳона бўлди: У Инонинг чап кўрагига пичоқ

— Йўқ, — деди онаизор унга кескин қаршилик билдириб. — Бу хонадон буюмларини олиб кетиб, сотиб ичинингга йўл қўймайман.

Онанинг бу жавоби ароққўр ношуд фарзандни дарғазаб қилди. Аммо она ҳам бўш келмади. Икки ўртадаги айтишув жанжалга айланди. Шу пайт қаердан-дир келиб қолган олдинги хотинидан турган ўғли Ином Маматқулов уртага тушди. У бувисининг тарафини олиб шундай деди:

— Дада, қўйинг, бизнинг тинчлигимизни бузмай ҳўнаб қолинг бу ердан. Сизга ҳеч қанақа печкани ҳам, унинг эҳтиёт қисмларини ҳам бермаймиз!

— Ҳой тирранча, сен пуштикамаридан бўлган фарзандим бўлатуриб мени ўзим туғилиб ўсган уйдан ҳайдагасанми? Ҳа, отабозори! — Мен эмас сиз ўзингиз ўша отабозори. Онамини мен ташлаб бошқа аёл билан кетаётган чоғингиздан бери безорисиз. Ҳозир ҳам безорилик қилиб, бизнинг тинчлигимизни бузасиз.

Тўғри гапнинг тўқмоғи бор, деб тўғри айтган эканлар. Инонинг ҳозиргина айтган тўғри гаплари Ҳакимжонга қаттиқ ботди. Бироқ

биз билан яшаб қолди. Уни ўзимиз тарбиялаб, боқиб ўстирдик. Набирам Инонжон аси фарзанд эди. У бувисининг ҳақоратлинишига чиқолмади. Лекин эвазига ўз отасидан бевақт ваҳшиёна ўлим топди. Мен баргитш ўғлим Ҳакимга бу разил қилмиши учун қонуний жазо тайинланганини сўрайман...

Суд фарзандкуш Ҳаким Маматқуловнинг жиноий қилимларига қонуний баҳо берди. У 15 йилга озодликдан маҳрум этилди. Энди қотил бу жазо муддатини қаттиқ режимида колонияда ўтайдди. Эҳтимол, шу даврда у тавбасига таянар, босиб ўтган ҳаёт йўлини бир-бир сарҳисоб қилиб, ундан тўғри хулоса қилар. Умрининг қолган қисмини эзгуликка бахш этиб, қилган гу-

ноҳларини, фарзандининг қонига бўлган қўлларини ювар, шаънига тушган доғларни кетказар. Балки... Келинг, яхшиси, бу ҳақда биз эмас, унинг ўзи уйлانسин. Биз эса ақлни беақдан ўрган нақлига амал қилиб ҳурматли муштарийларимизни бўлиб ўтган бу хунук воқеадан сабоқ олишга қақира-

санчди. Ҳа отасидан қотилликни кутмаган ўғил армон билан жон берди. Бемехр ҳам унинг ўз отаси ҳам салбий таъсиф беради.

— Ўғлим Ҳаким икки бор уйланди. Инонжон унинг биринчи хотинидан турган. Ўғлим бошқа аёлга уйланиб қолган, ўғли, яъни набирам Инонжон

ноҳларини, фарзандининг қонига бўлган қўлларини ювар, шаънига тушган доғларни кетказар. Балки... Келинг, яхшиси, бу ҳақда биз эмас, унинг ўзи уйлانسин. Биз эса ақлни беақдан ўрган нақлига амал қилиб ҳурматли муштарийларимизни бўлиб ўтган бу хунук воқеадан сабоқ олишга қақира-

санчди. Ҳа отасидан қотилликни кутмаган ўғил армон билан жон берди. Бемехр ҳам унинг ўз отаси ҳам салбий таъсиф беради.

Қўш қўшмачига қўш нуқта

Сайда Пирматова дастлаб Бўстонлик туман судининг ҳуқуқига биноан икки йилга ахлоқ тузатиш жазосига муқабало этилган эди. Бироқ унга бу жазо чинив қаққанчаллик ҳам таъсир қилмади. Натигада у яна сулданди. Бу гал у 2 йил 9 ойга ахлоқ тузатиш жазосини олди. Аммо яна таллаган қинғир йўлидан қайтмади. Узинга ўхшаш жиноятчи бўлган андижонлик Мирзаолим Исоқов (бу нуса ҳам 7 йил озодликдан маҳрум этилиб, бу жазони ўтаб чиққан) билан танишиб, ароққўрлигун қўшмачиликни авж олди.

Сайданинг Бўстонликдаги уйи қоронғуда топишган бу беҳаф қўшмачилар учун антика макон эди. Улар бу уйни шахсоний хирс бандларига «висол» учун бўшатиб бериб, эвазига «соққа» ишлар ва бу «соққа»ни ўз айш-ишратлари учун сарфлашарди.

Қўшларнинг бирида Сайда Ботирова билан топишиб, уни уйига алдаб олиб келди-да, бир буюм каби ўзга эркакларга «прокат»га сотаверди. Ҳўрланган, азобланган Сайда фурсат-

ни топиб қочиб кетишга мунвоқаб бўлди. Аммо зolim Пирматов ўз хамтовго Мирзаолим Исоқов билан уни қидириб топиб, зўрлик йўли билан яна уйларига олиб келишди-да, эшкани ичкаридан беркитиб олиб, «қоқоқ»лиги учун гоат ваҳшиёна усуллар билан жазоланди.

Қўшмачи зolimлар дастлаб Ботированинг қўш унгда арок ичиб маст бўлиб олишди. Кейин уни авбсиз равишда дўппослаб бошлашди. Сайда Ботирова бу азобларга чидалмай додлади.

Бир бечорага азоб бериб роҳатланиш жонларига текканида эса унинг қўлларини ечиб идиш-товокларни ювдириши, баҳартиргани бошқа иш қолмагач оёқ-қўлини боғлаб қамаб қўйишди.

Орадан бир кун ўтган 6 бирор инсофга келишди 6 кайтфлари сал тарқаб хушёр тортишди. Нима бўлганда ҳам Сайданинг оёқ-қўлини ечиб қўйишди. Бунга қўлай имконият деб билган жабрдийда иккинчи қавадат жойлашган бу наҳс босган унинг деразасидан ўзини пастга отиб, жонига суиқасд қилди. Бироқ бахтли тасодиф туйғайлигина ўлмай қолди. Унинг тирик қолгани зolimлар учун яна

қўл келди. Улар жароҳатланиб ётган Сайдани ўз уйларига кўтариб чиқиб, оёқ-қўлини боғлаб ташлашди. Агар милиция ҳодимлари воқеадан хабар топиб, хуфёна фохишахонага айланган бу хонадонда бостириб қиришмаганда Сайда Ботированинг жон таслим қилиши ҳеч гап эмасди.

Шундай қилиб, қўшмачилар қўлга тушиб, улар учун текин «соққа» манбаига айланган Сайда Ботирова ҳалос бўлди. Табиийки унга азоб бериб жонидан тўйгазишган ваҳшийлар ҳибсага олинди. Суд қўз қўриб қулоқ эшитмаган жазо усулларини қўллаган қўшмачи зolimлар Сайда Пирматов ва Мирзаолим Исоқовларга муносиб жазо берди. Уларнинг биринчиси 13 йилга иккинчиси 11 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳар икковлари ҳам бу жазоларни қаттиқ режимида колонияда ўтайдиган бўлишди.

Шундай қилиб, уағалар номусини зўрлик қилманулга сотаётган бу қўшмачиларнинг жиркан қилимларига қўш нуқта қўйилди.

Н. ЖАЛИЛОВ, Тошкент вилояти жиноий ишлар бўйича судининг судьяси, Мурод УЛУҒОВ, журналист.

Валерий БРЮСОВ ЭХТИРОС ЧЎРИСИ

Бир хонимнинг кундалик дафтарида сўнги саҳифалар (Қисса)

Кейинчи! Ахийри у тан олди бунга тахминлаб билиш қийин эмасди — мен унинг биринчи бор бирга бўлган аёли эканман, биринчи бўлиб у ўзининг йигитлигини менга бахш этибди. Унинг ифбат пардасини мен олиб юзига тортибман. Мен унинг учун — умуман аёл тисмолига айландим, у менда жунбушга келган эҳирслар аксини топди. У ишқ нима эканлигини меннинг қиёфамда тасаввур қиларди. Менинг салгина яқинлашишим, атирларимнинг бўйлари уни маст қиларди. Агар мен унга «бор, ўлди» «бор-ўлди» десам ҳеч ўйламай ихро қиладиган холга келди.

Қандай қилиб мен Володими кимгадир беришим мумкин? У — меники, у — менинг мулким, уни мен яратдим, унга менинг ҳамма ҳақ-ҳуқуқим бор...

Мен ундаги хавфни севаман. Бизнинг севиғими — Тютчев ёзган «шайтонлар олишувининг» ўзи. Хали ҳеч биримизимиз қилиб қимқадик. Аммо биламанки, у габлича қилиши мумкин. Унда мен унинг чўрисига айланаман. Бу — даҳшат, аммо бу ҳам одамни ром қилади, тубсиз жарлик каби ўзига қорлайди. Бундан қочиб уят, чунки бу қўрқоқлик бўлади.

Модест менинг учун топишмоқ, унинг қалб ришталарини мен ҳам ечолмадим, бирон аёл бу юмушни охирига етказса олдимикан? Унинг учун жуда мо соҳа — расмолан, у кучли расмом — бироқ бирон марта ишларни қўрмаганга қўймаган. Унинг калласига шундай фикр ўрнашиб қолганки, вафотидан кейин ихлоқландилари унинг полотнолари учун ақл бовар қилмас пул тўлашади, қаламда чизган ҳеч бир қораламасини ишлашади.

У тўғригина шундай фикрлайди: ўзи ҳақида ўзи билса бўлди, унинг ҳақида бошқалар билиши унга сира керак эмас. У чиндан ҳам одамларни менсимайди, барча одамлардан, шу қаторда, ҳатто севиши ҳақида онт ичиб туриб, мандан ҳам ҳазар қилса, эҳтимол.

Володя сиймосида унинг менга муҳаббатини севаман. Модест сиймосида унга менинг муҳаббат қўйишим имкониятини севаман. Фақат шу имконият ҳолос, чунки кўнглимда унга муҳаббат ёлқинланмаслиги учун бор куч-қудратимни сарф-ляялман.

IV. 23 сентябрь.

Дафн маросими кеча бўлиб ўтди. Уни тасвирлаб ўтириш зерикарли. Айтишларича, мен аза кийимида жуда сўлим бўлибман.

Маросимнинг охирида Глашани тутқаноқ тудди. Бу таъсирланишда бир гап бор. У Викторга кўнгли қўйиб қолмаганмикин, балки яқин алоқада бўлишгандир. Мен ҳаммиша бу ишларга эътибор қилмай қолганман.

Викторнинг васияти ҳам маълум бўлди. У менга жуда маъқул келди, қариндошларига аталган майда суммалардан ташқари ҳамма нарсани менга васият қилибди. Аён бўлишича, унинг фоизли қўғозлари ва турли корхоналарнинг акциялари қарийб 250000 сўмлик экан. Бизда шунча кўп пул борлигини ҳаёлимга келтирмаган эдим.

Иқроман, ўзимни бадавлат бўлмасам ҳам мулкдор деб ҳис қилиш менга жуда-ям ёқимли. Пулларда ҳам қудрат бор, ва, мероснинг қанчаллигини билиб, тасаввуримда худди менга бўйсунувчи қандайдир қўшчилар менинг ҳимоямга отлангандай бўлди. Бунга айтиш қандай отлангандай, ҳатто уятли бўлса ҳам, кўнглимда ўз-ўзимга ишониб ва ифтихор туйғуларини жўш урди...

Дафн маросимидан сал олдин Модест иккаламиз ярашдик. У қотиллик рўй берган кундаги ўзининг хира хулқи учун мандан кечирим сўради ва тўлиқ бир кунни у билан ўтказишимни илтимос қилди. Унинг сўзларига қараганда, менга қандайдир жуда муҳим нарсани айтиб бераркан ва олдий вазиятда айтолмас экан. Биз шаҳардан ташқарига боришимиз лозим бўларкан.

Қандай қилиб мен унга рад жавобин айтишим? Бутун ҳафта давом этган ташвишу-азобларим дафн дастурхонлари билан барҳам топганидан кейин биргина кунни ўзга дунёда ўтказиш ўзимга ҳам анча ширин қуринарди. Рози бўлдим.

Уша кўннинг ўзи.

Қаерда пул бўлса, ўша ерда ҳар хил ипириски кимсалар ҳозирю нозир. Мана

шунинг учун ҳам бугунги битта ташриф мени ҳеч хайрон қолдирмади.

Глаша мени жуда муҳим иш билан қандайдир Сергей Андреевич Хмилев дегани кўрмоқчи бўлиб келипти, деди, «жуда кисталанг қиялтилар» экан. Мен уни киртишларини буюрдим.

Екимсиз кўринишдаги, ориқ ва пастаккина, тўксиз юзли, тор қулдан пиджак қийган одамча кириб келди. У керагидан ортиқ ҳурмат баҳо келтириб таъзим қилди, стул қиррасига кетини қўйди. Хунук овоз билан димоғида пингирлаб нималар-нидир узоқ вайсади. Тоқатим тоқ бўлаёзган эди, у сал мазмунга яқинлашди.

— Шундай бўлса, бекач, сиз тинчроқ бўласиз. Нима қиласиз ўзингиз оворая сарсон бўлиб, хотин киши бошингиз билан. Мен сизнинг раҳматли падарингизин билар эдим, сизга хизмат кўрсатиш менга гоят ёқимли. Шу йигирма мингги берасиз ва ҳаммаси яхши бўлади. Менга аён сир, сиз ишонаверинг, бамисоли сув туғилга чўққан калитинг ўзи.

— Мен ундан сўрадим: — Йигирма минг сўмини мен беришим керакми? Нима сабабдан? — Марҳум эрингизнинг ўлдирилишига доир ишга-да.

— Нима, уни сиз ўлдириб эдингизми? — Бунга мен атайлаб сўрадим, чунки суҳбатдошим тезроқ мақсадга қўчишни истардим. Бироқ менинг саволим уни заррача ҳам хайрон қолдирмади.

— Сираям мен ўлдирганим йўқ. Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб қўринга, агар тероқ чўзилса нима бўлади. Сўроқ — исток, ким эди, нима эди, қандай эди ва ҳақоза. Ўз устига, эҳтиёт чораси деб турмага ўтказишсачи? Охири, тагини қовлаб етишса, нималарни топишмайди...

Бу илмоқли ишора ва ярим-эрти гумонлар гашимга теғди:

— Тўхтадинг сафсатагани, сира вақтим йўқ. Тўғриси айтинг, сизга нима керак. Сиз мандан яхшироқ биласиз, пулни бекорга беришмайди. Тўшунтириб бeringинчи, тақдирингиз нима ўзи ва нима учун, фикрингизча, сизга мен йигирма минг тўлашим керак?

Билмадим, ё менга шундай туюлди ёки Хмилевнинг сурбетлиги ҳаддан ошди. У кўзини четга олиб қочди, лекин лўнда қилиб шундай деди.

— Мен, бегойим, бу ишни ёпишни тақдир қилаялман. Сиз ҳеч нарса билмай-сиз, сиздан ҳеч нарса талаб қилинмайди, иш эса кўнгилдагидай битади. Қотил ўзини эълон қилади ва бош эгиб келади, тероқ тўхтайтилади. Демак, ҳеч қандай холалар бошқа очилмайди. Сиздан мен ортиқча бир тийин ҳам сўрамаялман. Айтилган суммага ҳаммаси қиради, кимнинг томоғини ёғлашу, катталарга бериладиган пул ва бизнинг ҳақи-ҳалолимиз ҳам...

— Шу сўзлардан кейин мен ўрнимдан турдим: — Демак: бу қўрқитув? — Ишонинг бекач, — Хмилев эътироз билдириди, — менга озгина, зигридай нарса теғди. Биз кичкина одамлармиз. Тўрт киши ишлаймиз, мен, ишонсангиз, ҳаммасини бошқаларга беришим керак. Ахир сиздан шунча пул сўрашга журъатим етар-ми? Айниқса, раҳматли дадангиз билан қўришиш насиб қилган одам бўлсам...

Мен кўнгирик қалиб Глашага буюрдим: — Мана бу жанобни кузатиб қўйинг. Хмилев ўрнидан қўзғолди, ҳеч тортинмасдан яна озгиз очди: — Балки бирон мингини чиқариб ташларимиз.

— Юраклинг, тоғажон, яхши эмас, — деди Глаша.

Хмилев чиқиб эшик ёпилагач, Глашадан сўрадим: — Сиз бу жаноб Хмилевни билармидингиз?

— Нега билмай, у менинг тоғам...

— Майли, Глаша, кечирасиз-у қариндошларингизни жудаям яхши дейиш қийин. Уни менинг олдимга бошқа киритмасликка ҳаракат қилинг.

— Аф этинг, бекам, — деди Глаша, — у ўзи иззатини билмайдиган одамда...

Хмилев нутқидаги жумлаларни анча аниқ акс эттирдим, шекилли. Уйлашимча, у тўғриси айтмаслик учун атайин тўла-тескари гапирди. Аммо икки маъноли сўзларининг боиси нимада экан? Фақат Модест билан муносабатларимни ошқор қилиш билан кўрқитишим ёки бундан баттароқ нарсамми?

(Давоми бор).

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ГУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҮРАБОВ, Р. З. АҲМАДЛИЕВ (Бош мухаррир ўринбосари), П. Р. ХАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ, Д. К. ҚИРГИЗБОВ (бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАХОНОВ, У. Ф. ЖҮРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мулқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89. Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64. Навбатчи — Илхом СИДДИҚОВ. Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚҮШОКОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г—2436, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун адиблар муаллифлар жавоб беришар. Қўшмаликлар муаллифларга қайтарибмайди.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида чоп этилган. Корхона манзили: «Кўч Тўр» кўчаси, 41. Ўзбекистоннинг 2001 йил 18 май. Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош мухаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ